

Ҳаж ва Умра зиёратчиларига қулай шароитлар яратиш муҳокама қилинди



12:43 / 16.09.2023 2015

Шу йил 15 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев Саудия Арабистони Подшоҳлиги “Flynas” миллий авиакомпанияси “Ҳаж” ва “Умра” молиявий масалалари бўйича ижрочи директори Холид Абдуллоҳ ал-Хужайрий ва Подшоҳликнинг Ўзбекистондаги элчиси Юсуф ал-Утайбий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқотда сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётгани, айниқса, ҳаж ва умра ибодатлари борасида кўп енгилликлар қилинаётгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, учрашувда томонлар авиақатновларда зиёратчиларни ташиш, уларга

хизмат кўрсатиш, енгилликлар беришда ижобий натижаларга эришиш, хусусан нарх-наво масаласида ҳамюртларимиз манфаатларини ҳисобга олиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокараларда истиқболдаги режалар ва қўшимча хизматлар кўрсатиш йўналишларида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.



